

А Ж Р И М

(Ярашув институтини қўллаш муносабати билан жиноят ишини тугатиш ҳақида)

2025 йил февраль ойининг 10 куни Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди Чилонзор тумани, 3-Чарх Камолон МФЙ биносида, очиқ сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи, туман судининг раиси И.Сабиров, судья ёрдамчиси Ж.Сапарбаевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент шаҳар Чилонзор туман прокурори ёрдамчиси Х.Олимжонов, гумонланувчи Ф.Хашимов ва унинг ҳимоячиси Б.Иногамов, жабрланувчи Д.Азимованинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 266-моддасининг 1-қисми билан гумонланган Хашимов Файзулло Ахмадуллаевичга нисбатан № 1-1006-2501/161-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Хашимов Файзулло Ахмадуллаевич (Xashimov Fayzullo Aхмаdullayevich)-1988 йил 15 июль куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, вақтинча ишсиз, оилали, уч нафар вояга етмаган фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Яккасарой тумани, Тепа МФЙ, Ракатбоши кўчаси, 59-уйда истиқомат қилади.

Суд, мазкур жиноят иши юзасидан гумонланувчи ҳамда жабрланувчининг кўрсатувларини эшитиб, ишда тўпланган ҳужжатларга ва суд муҳокамасида текширилган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

2024 йил 20 ноябрь куни соат 14:30да, ҳайдовчи Ф.Хашимов ўз бошқарувидаги ўзига тегишли техник соз давлат рақами 01 G 182 FC бўлган “Дождо” русумли автомобилни тегишли ҳужжатлар асосида Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси бўйлаб Иккинчи Қатортол кўчасига қараб ҳаракатланиб кетаёткан пайтида амалдаги **«Йўл ҳаракати қоидалари»нинг 4-банди, 11-банди “г” қисми, 77-банди 1 ва 3 кичик бандларида** яъни, “Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак”, “Транспорт воситасини ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдаларга, айниқса болаларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбурдир”, “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак” деб кўрсатилган қоидаларга риоя қилмасдан мазкур кўчада жойлашган “Nessa” дўкони қаршисига келганда, йўлнинг қатнов қисмидан ўзига нисбатан ўнг томондан



йўлни кесиб ўтаётган пиёда Д.Азимовани автомошининг олди томони билан уриб юборган.

Йўл транспорт ҳодисаси натижада пиёда Д.Азимова тан-жароҳатлари олиб шифоҳонага олиб борилган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 2024 йил 03 декабрь кундаги №8666-Х-Хуж., сонли хулосасига кўра, Д.Азимова танасида, “ўнг қўл елка суяги ташқи бўртиғидан ёпиқ синиб қониқарли туриши, ўнг ва чап кўз қовоқлари қонталашлари, пешона соҳаси шилинмаси, иккала оёқ тизза соҳаси юмшоқ тўқималари лат ейиши каби танжароҳати мавжудлиги ва оғирлик даражасига кўра **Ўртача Оғир** тан жароҳати эканлиги аниқланган.

Судга оид изшунослик экспертизасининг 2024 йил 05 декабрь кундаги №29/17(11326)4.6/18429-сонли хулосасига кўра, “Дождо” русумли автомобилнинг олди ўрта қисмига зарар етказилган унинг шакилланиш механизми ва жойлашувига кўра, вертикал ёки бундай ҳолатга яқин бўлган пиёданинг танаси билан алоқа қилишда шакилланиш характерлидир, бирламчи зарба ҳам автомобилнинг олдинги ўрта қисмига тегканлиги аниқланган.

Мазкур ҳаракатлари билан гумонланувчи Ф.Хашимов Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда гумон қилинган.

Гумонланувчи Ф.Хашимов суд мажлисида айбига тўлиқ иқрор бўлиб, жабрланувчи Д.Азимовадан кечирим сўраб, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини билдириб, жабрланувчи Д.Азимовага етказилган моддий зарарни тўлиқ қоплаганлиги ва у билан ярашганини айтиб, ярашганликлари муносабати билан жиноят ишини тугатишни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи Д.Азимова суд мажлисида, юқоридаги ҳолатни тасдиқлаб, ҳозирда Ф.Хашимовга нисбатан даъвоси йўқлигини, унга етказилган моддий зарар қопланиб, тўлиқ бартараф қилинганлигини, ярашиши учун бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини билдириб, улар ўзаро ярашганлиги сабабли Ф.Хашимовга нисбатан бўлган жиноят ишини ярашув муносабати билан тугатиш ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида гумонланувчи Ф.Хашимов ҳамда жабрланувчи Д.Азимова судга ариза билан мурожаат қилиб, ярашганликлари муносабати билан жиноят ишини тугатишни сўрашган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига биноан, ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, жиний жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан, жабрланувчи ЖКнинг 66¹-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича гумон қилинувчи, гумонланувчи, судланувчи билан ярашган тақдирда жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 62-бобида белгиланган тартибда суд томонидан айблилик ҳақидаги масала ҳал қилинмасдан тугатилиши мумкинлиги белгиланган.



Суд, жабрланувчи Д.Азимова ва ҳамда гумонланувчи Ф.Хашимовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини ўрганиб чиқиб ҳамда Чилонзор туман прокурори ёрдамчиси Х.Олимжонов, гумонланувчи Ф.Хашимов ва унинг ҳимоячиси Б.Иногамов, жабрланувчи Д.Азимованинг ўзаро ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини айблилиқ масаласини ҳал қилмасдан туриб тугатиш ҳақида билдирган фикрларини эшитиб, Ф.Хашимовнинг муқаддам судланмаганлигини, айбига иқрорлигини, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, гумонланувчи томонидан жабрланувчи томонга бирон-бир тазйиқ бўлмаганлигини, ярашув уларнинг ўзаро хоҳишлари билан ихтиёрий бўлганлигини эътиборга олиб ва Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят ярашувга тушиши сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ Ф.Хашимовни жинойий жавобгарликдан озод қилиб ва унга нисбатан юритилган жиноят ишини айблилиқ масаласини ҳал қилмасдан туриб Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим деб топади.

Шунингдек, жабрланувчи Д.Азимовага Ўзбекистон Республикаси ЖПК 583-моддасининг 5-қисмига асосан, ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириш лозимлигини қайд этади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Гумонланувчи Хашимов Файзулло Ахмадуллаевич (Xashimov Fayzullo Aхмаdullayevich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жинояти учун жинойий жавобгарликдан озод қилинсин ва унга нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосан тугатилсин.

Гумонланувчи Ф.Хашимовга тегишли ҳайдовчилик гувоҳномаси ўзига қайтарилсин.

Жабрланувчи Д.Азимовага мазкур жиноят иши бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолган деб ҳисоблансин.

Ажримдан норози тарафлар ўн сутка ичида Тошкент шаҳар судига хусусий шикоят ёки протест билдиришлари мумкин.

Раислик қилувчи

имзо

И.Сабиров

Аслига тўғри:



Хужжат имзоланган: Сабилов Илгизар Матякубович, 10.02.2025

